

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Fil.05.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАСУЛОВА АЗИЗАХОН МУЙДИНОВНА**

**ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ШАРТ ВА ТЎСИҚСИЗЛИК МАЙДОНИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2018 йил**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation  
Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in Philology**

**Расулова Азизахон Муйдиновна**

Ўзбек тилининг шарт ва тўсиқсизлик майдони..... 3

**Расулова Азизахон Муйдиновна**

Поле условия и уступительности узбекского языка..... 19

**Rasulova Azizakhon Muydinovna**

Field of conditionality and concession of the Uzbek language..... 37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 41

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Fil.05.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАСУЛОВА АЗИЗАХОН МУЙДИНОВНА**

**ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ШАРТ ВА ТЎСИҚСИЗЛИК МАЙДОНИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2018 йил**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fil124 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Фарғона давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Фарғона давлат университети веб-сайти ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Искандарова Шарифа Мадалиевна</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Набиева Дилора Абдуҳамидовна</b> филология фанлари доктори <b>Қурбонова Муҳаббат Матякубовна</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Наманган давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича илмий даража берувчи PhD.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 йил соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: [info@fdu.uz](mailto:info@fdu.uz)).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**М.Х.Ҳакимов**

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**М.Т.Зокиров**

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н., доцент

**Ш.М.Искандарова**

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида тил бирликларига ономасиологик асосда ёндашувчи йўналишлар каторида тилни муайян бутунликлардан ташкил топган мураккаб система сифатида белгилаш, барча сатҳ бирликларини шакл ва мазмун, тил ва нутқ муносабати орқали таҳлил этиш муҳим масалалардан бирига айланди. Шарт ва тўсиқсизлик архисемаси остида бир семантик гуруҳга бирлашган воситаларни узвий ҳолда функционал-семантик майдон аъзолари сифатида талқин қилиш ҳам тилнинг онтологик табиатини мукамал ёритишга қулай имконият яратади.

Дунё тилшунослигида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тил бирликларининг шаклий жиҳатлари билан бирга, ички мазмуний хусусиятлари ҳам тадқиқотчилар эътиборини торта бошлади. Жумладан, лингвистикада шарт-тўсиқсизлик семантикаси, шарт ва тўсиқсизлик муносабатини ифодаловчи конструкцияларнинг қиёсий таҳлили билан боғлиқ тадқиқотлар мавжуд. Функционал-семантик категория сифатида мураккаб шартланиш муносабати асосига қурилган шарт ва тўсиқсизлик майдонларининг қандай лисоний воситалар ёрдамида ифодаланиши ҳамда уларни ономасиологик жиҳатдан пухта ўрганиш муҳим муаммо сифатида қўйилди. Бинобарин, тил системасини яхлит ўрганишда шарт ва тўсиқсизлик функционал-семантик майдонини узвий ҳолда тадқиқ этиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Тил халқ маънавиятининг кўзгуси, тафаккур хазинасининг маҳсулидир. Бугунги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳадаги ислохотларни амалга ошириш жараёнида ўзбек тилшунослиги олдига ҳам қатор янги вазифалар қўйилмоқда. «Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади»<sup>1</sup>. Жамият тараққиёти натижасида тил ҳам такомиллашиб, ўзбек тилшунослигини янги тадқиқот методлари билан бойитиш муаммоси долзарблик касб этмоқда. Лисоний бирликларнинг мазмуний томонига эътиборнинг кучайиши орқали тилнинг юқори сатҳ бирликларини «мазмундан шаклга» тамойили асосида ўрганишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Тўсиқсизлик ва шарт муносабатларини узвий алоқадорликда майдон сифатида ўрганиш ҳам ана шундай вазифалар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халқ сўзи. – Тошкент, 2017, 23 декабрь, №258.

тўғрисида»ги ПФ-4958-сон Фармони; 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ВМҚ-304-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тилшунослигида майдон назарияси асосида олиб борилган дастлабки тадқиқот В.фон Гумбольдтнинг «тилнинг ички шакли» ҳақидаги таълимоти билан бошланган<sup>2</sup>. Ф.де Соссюр, М.Покровский, И.Трир, Г.Ипсен, В.Порциг, Л.Вайсгербер, А.Йоллес, А.А.Уфимцева, Н.И.Филичева, Ю.Н.Караулов, Г.С.Шчур, А.В.Бондарко ва бошқа тилшунослар бу назарияни янада ривожлантирдилар.

Ўзбек тилшунослигида ҳам айти шу йўналишда Т.Мирзақулов, М.Абдувалиев, Ш.Искандарова, А.Собиров, С.Муҳамедова, Н.Нишонова, М.Ҳакимова, Д.Ваққосова, Ҳ.Ҳожиева, Ф.Сафаров, Б.Қурбонова, М.Эргашова, Л.Элмурадова ва бошқа тадқиқотчиларнинг изланишлари мавжуд<sup>3</sup>.

Тўсиқсизлик масаласи типологик жиҳатдан ўрганилган<sup>4</sup> лигига қарамай,

<sup>2</sup> Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. – М., 1984.

<sup>3</sup> Мирзақулов Т. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари: Филол. фанлари д-ри...дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Абдувалиев М. Тўсиқсизлик майдони ва уни ташкил этувчи синтактик бирликлар//Ўзбек тили ва адабиёти. 1988, №4. – Б. 62-66; Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Филол. фанлари д-ри...дисс. автореф. – Тошкент, 1999; Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. – Тошкент, 2004. – Б.158; Муҳамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари: Филол.фанлари д-ри...дисс.-Тошкент, 2007. – Б.325; Нишонова Н. Ўзбек тилида «хайвон» архисемали лексемалар майдонининг мазмуний таҳлили: Филол. фанлари номзоди ...дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Ҳакимова М. Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг матн шакллантириш имкониятлари: Филол. фанлари номзоди диссертацияси. -Тошкент, 2004. – Б.141; Ваққосова Д. Ўзбек тилидаги анемонимларнинг семантик таҳлили: Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Фаргона, 2005; Ҳожиева Ҳ. Ўзбек тилида хурмат майдони ва унинг лингвистик-нутқий хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Самарқанд, 2001; Сафаров Ф. Ўзбек тилида сон-миқдор микромайдони ва унинг лингвистик-нутқий хусусияти: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Самарқанд, 2004. Қурбонова Б. Локаллик ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 2007; Эргашова М. В. Ўзбек тилида локум ва локализация муносабати: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 2011; Элмурадова Л. Ўзбек тилида даража функционал-семантик майдони: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 2011.

<sup>4</sup> Азизова А. Ўзбек тилида шарт ва тўсиқсиз эргаш гаплар. – Тошкент, 1955. – Б. 36; Аскарлова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. – Тошкент, 1960; Абдувалиев М. Тўсиқсизлик майдони ва уни ташкил этувчи синтактик бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти.1988, №4. – Б.62-66.

Ўзбек тилшунослигида тўсиқсизлик ва шарт майдонини ташкил этувчи бирликлар узвий ҳолда монографик асосда тадқиқ этилган эмас.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тилининг системавий тадқиқи» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** шарт ва тўсиқсизлик майдонларининг морфологик ва синтактик сатҳдаги ифодасини шакл ва мазмун томонидан узвий боғлиқ ҳолда очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

шарт ва тўсиқсизлик муносабатини ифодаловчи бирликларни майдон сифатида ўрганиш ҳамда мазкур бирликлар ҳақидаги талқинларни таҳлил қилиш;

бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган шарт ва тўсиқсизлик майдонининг интеграл ва дифференциал белгиларини очиб бериш;

шарт ва тўсиқсизлик майдонини ташкил этган лисоний бирликларни аниқлаш;

тилнинг турли сатҳларида шарт ва тўсиқсизлик муносабатларининг намоён бўлишини кўрсатиб бериш, уларни илмий асослаш;

шарт ва тўсиқсизлик майдони бирликларининг шакл ва мазмун муносабатини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида С.Аҳмад, П.Қодиров, Т.Малик, Р.Жабборов кабиларнинг асарларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек тилидаги шарт ва тўсиқсизликни ифодаловчи бирликларнинг шаклий ва мазмуний хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертациянинг методологик асосини жамиятнинг доимий тараққиётда эканлигини акс эттирувчи фалсафий қарашлар, билиш назарияси ҳақидаги тушунчалар ташкил этади. Тилшуносликда бугунга қадар қўлга киритилган мазмуний майдон билан алоқадор ютуқлар изланиш учун назарий манба сифатида хизмат қилди. Ишнинг мазмуни узвий таҳлил, оппозиция, трансформация усуллари асосида ёритилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилар билан белгиланади:

тил системасида шарт ва тўсиқсизлик майдонларининг бир-бирини тақозо этувчи узвий боғлиқлиги очиб берилган;

шарт ва тўсиқсизлик муносабатини ифодаловчи турли сатҳ бирликлари функционал-семантик майдон сифатида ёритилган;

шарт ва тўсиқсизлик муносабатини ифодаловчи бирликларда шарт маъносининг мавжудлиги билан боғлиқ умумий, тўсиқсизлик маъносининг ифодаланишида *-са-да*, *-са ҳам* сингари қўшимчаларнинг учраши каби хусусий жиҳатлар асосланган;

ўзбек тилшунослигида шарт ва тўсиқсизлик мазмунини ифодаловчи бирликларнинг грамматик сатҳдаги ўрни ва семантик таркиби аниқланган;

шарт ва тўсиқсизлик майдонини ташкил этган ядро ва чегара қисмлар

аниқланиб, шарт майли, шарт боғловчилари, шарт ва тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гаплар ҳамда бошқа бирликларнинг шакл ва мазмун муносабатлари далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси:**

диссертация материалларидан тилшунослик назарияси, мазмуний синтаксис, ҳозирги ўзбек адабий тили фанларидан маърузалар ўқишда, махсус курс ва семинарлар ташкил этишда, филология йўналиши талабаларига мўлжалланган дарсликлар, шунингдек, мутахассислик бўйича қўлланма, амалий тавсияларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

морфологик ва синтактик сатҳдаги шарт ҳамда тўсиқсизлик муносабатини ифодаловчи бирликлар ўзбек тили материаллари ёрдамида таҳлил қилинган;

шарт ва тўсиқсизлик муносабатининг умумий ва хусусий жиҳатлари аниқланиб, майдон асосида очиб берилган;

диссертацияда тадқиқ қилинган материаллар ономасиологик йўналишда олиб борилган изланишларни, хусусан, майдон назариясини бойитишда асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** таҳлилга тортилган материаллар, ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда, хулосалар қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик мукамаллиги, шунингдек, қўйилган масалаларнинг аниқлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация материаллари ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси, мазмуний майдон назарияси, шунингдек, тил ва нутқ ўртасидаги ўзаро диалектик муносабатларни ўрганишнинг назарий асосларини ва таҳлил усулларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ундаги тилга система сифатида ёндашиш, майдон назариясига доир қарашлардан олий ўқув юртларининг филология факультетларида тилшунослик назарияси, ҳозирги ўзбек адабий тили каби фанларни ўқитишда, махсус курс ва семинарлар ташкил этишда, дарслик ва қўлланмалар яратишда, тилни систем-структур асосида тадқиқ этиш билан боғлиқ ишларда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек тилининг шарт ва тўсиқсизлик майдонини тадқиқ этиш асосида:

бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган шарт ва тўсиқсизлик майдонининг интеграл ва дифференциал белгиларини очишга оид материаллардан А-1-61 рақамли «Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш» мавзусидаги давлат амалий гранти лойиҳаси доирасидаги ўқув қўлланма, услубий кўрсатмалар ва уларнинг аудиокитоб шаклидаги нусхаларини тайёрлашда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 02-07-3154/04-сон маълумотномаси). Натижада лексемалар ва синтаксемалар семантикасини ёритишда, уларнинг нутқ жараёнидаги воқеланишини кўрсатишда ижобий самара берди;

шарт ва тўсиқсизлик майдонини ташкил этган ядро ва чегара қисмлар аниқланиб, шарт майли, шарт боғловчилари, шарт ва тўсиқсиз эргаш гапли кўшма гаплар ҳамда бошқа бирликларнинг шакл ва мазмун муносабатларини далиллашга оид материаллардан Ш.М.Искандарованинг «Тил системасига майдон асосида ёндашув» номли монографиясини тайёрлашда фойдаланилган (Фарғона давлат университети кенгашининг 2007 йил 5-сон баённомаси). Натижада монографиянинг айрим қисмлари илмий-назарий жиҳатдан такомиллаштирилган;

шарт ва тўсиқсизлик майдони бирликларининг шакл ва мазмун муносабатини ўрганиш материалларидан 2015-2017 йилларда Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2015-2016 йилларда «Очиқ мулоқот», «Замондош», «Адабий муҳит», «Қадрият», «Маънавият – қалб кўзгуси» кўрсатувлари ҳамда «Маънавият», «Зиё масканларида» номли радиоэшиттиришлари сценарийларини яратишда кенг фойдаланилган (Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 367-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатувлар ва эшиттиришлар учун тайёрланган материаллар янги қарашлар асосида мазмунан бойитилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманда, 1 та халқаро конференцияда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 140 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тилшуносликда шарт ва тўсиқсизлик майдонининг ўрганилиши» деб номланган биринчи бобида лингвистик майдон назарияси, шарт ва тўсиқсизлик майдонининг ўрганилганлик даражаси, уларнинг тавсифи, шарт ва тўсиқсизликнинг ўзаро муносабати,

шарт ва тўсиқсизлик майдонининг марказий ва чегара семалари, уларнинг умумий ва хусусий белгилари тадқиқ қилинган.

Жаҳон тилшунослигида сўнги йилларда майдон сифатида қаралувчи ходисаларнинг турли-туман тарздаги талқинлари юзага келди. Хусусан, Н.И.Филичева, Е.В.Гулига, Е.И.Шендельс, А.В.Бондарколарнинг тадқиқот ишлари лингвистик майдон назариясини янада такомиллашганини кўрсатади. Бу борада А.В.Бондарконинг функционал-семантик майдонга оид фикрлари диққатга сазовор: «Функционал-семантик майдон – бу мазкур тилнинг грамматик (морфологик ва синтактик) воситаларининг ўзаро таъсир киладиган лексик, лексик-грамматик ва худди ўша семантик зонага қарашли сўз ясовчи элементлар билан биргаликда шакллантириладиган икки томонлама (мазмуний-шаклий) бирликдир»<sup>5</sup>. Шундай экан, функционал-семантик майдон тил системасида мазмундан шаклга тамойилига асосланган ҳолда ҳам лексик-семантик бирликларни, ҳам грамматик бирликларни ўз ичида бирлаштиради.

Шарт муносабатини кўрсатувчи бирликлар дунёдаги барча тилларда мавжуд. Бу бирликлар нафақат тилшунослик томонидан, балки психология, мантиқ ва фалсафа каби фанлар томонидан ўрганиб келинган. Шарт маъносини ифодаловчи бирликларга «ҳақиқатга яқин тахмин (фараз)» таърифи берилгани бежиз эмас. Чунки шарт муносабатини ифодаловчи бирликлар нутқий фаолиятга оид баъзи «сир»ларни очишга имкон берувчи ўзига хос «калит» сифатида ҳам эътироф этилади<sup>6</sup>.

Жаҳон тилшунослигида шарт маъносини ўрганиш бўйича муайян тажрибалар мавжуд. Жумладан, шарт майли, қўшма гапларнинг алоҳида турлари, шунингдек, уларнинг функционал-синтактик синонимик қаторлари, содда гаплар доирасидаги шарт-натижа семантикасининг ифодаланиши, шарт маъносини билдирувчи конструкцияларнинг қиёсий таҳлили, шарт категориясининг баъзи бир жиҳатлари, аниқроғи, мазкур категорияни ўрганиш муаммоси билан боғлиқ тадқиқотларни олиб борган Р.П.Рогожникова, М.С.Гуричева, А.В.Богомоллова, Р.М.Теремова, Г.В.Развина, А.П.Сливков, В.С.Храковский кабиларнинг номларини келтириш мумкин<sup>7</sup>.

<sup>5</sup> Бондарко А. В. Принципы функциональной грамматики и вопросы аспектологии. – Москва: Издательство ЛКИ, 2007. – С. 40.

<sup>6</sup> [newdissertation.com/page/cat/idc/303/s/2/st/361.html](http://newdissertation.com/page/cat/idc/303/s/2/st/361.html) – Османова Б.К. Условное наклонение кумыкского глагола в сравнительно-сопоставительном освещении// кандидат филологических наук// Махачкала, 2005 г. С. 175.

<sup>7</sup> Рогожникова Р.П. Условные придаточные предложения в современном русском языке: Автореф. ... канд. филол. наук. – Москва, 1952. 14 с; Гуричева М.С. Условные и уступительные предложения в провансальском и французском языках: Автореф. дисс... докт. филол. наук. – Москва, 1953. – 23 с; Богомоллова А.В. Условно-уступительные конструкции с союзом "хотя" в русском литературном языке: Дисс... канд. филол. наук. – Ленинград, 1955. – 165 с; Теремова Р.М. Категория условия в функциональном грамматическом аспекте. – Ленинград, 1988.– 49 с; Развина Г.В. Функционально-семантическое поле условных отношений в русском языке: Автореф. дис ... канд. филол. наук. – Орел, 1996. – 22 с; Сливков А. П. Совершенствование навыков выражения условных отношения в русской речи иностранных стажеров (в условиях краткосрочного обучения). Автореф. дисс...канд. педагогических наук. – Санкт-Петербург, 1998. – 33 с; Храковский В.С. Теоретический анализ условных конструкций (семантика, исчисление, типология) // Типология условных конструкций // Отв. Ред. В.С.Храковский. – СПб., 1998.

Шарт муносабатининг ўзбек тилида ифодаланиши бўйича ўзбек тилшунослигида эса А.Азизова, М.Асқарова, А.А.Цалкаламанидзе, А.Мамажонов, Г.Розиқова ва бошқаларнинг ишларида шарт майли, шарт ҳоли, эргаш гапли қўшма гаплар позициясидаги бирликлар парадигматик жиҳатдан тадқиқ этилган<sup>8</sup>. Бироқ шарт ва тўсиқсизликнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларга майдон сифатидаги ёндашув, шарт майдонининг марказий ва чегара семалари, шарт маъносини ифодаловчи бирликларнинг қўшимча маънолари ҳақидаги тадқиқотлар монографик тарзда тилшунослигимизда ҳозирга қадар кузатилмаган.

Шарт майдонидан жой олувчи кўплаб тил бирликлари шарт маъносини ифодалаш билан бирга, тўсиқсизликни ҳам кўрсатади. Бундан келиб чиқадики, бу бирликлар тўсиқсизлик майдонида ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди. Шарт маъноси кўп ҳолларда пайт муносабати билан боғланган бўлади. Яъни маълум бир «шарт»ли ҳаракат ёки ҳолатнинг амалга ошиши, албатта, вақт категориясини талаб этади.

Демак, ифодаланиши турлича бўлган тил воситаларининг умумий шарт мазмуни остида бирлашуви шарт майдонини ташкил этади. Маълумки, «майдон марказини (ядросини) ташкил этувчи, фақат ўша майдон белгисини ифодалаш учун хосланган бирликлар ҳамма турдаги майдонларда ҳам озчиликни ташкил этади. Бошқа вазифадошлар белгини ифодалаш даражасига кўра ушбу марказдан узоқлаша борадилар, шу сабабдан қўшни марказлар таъсирига кўпроқ берилади<sup>9</sup>». Шарт майдонининг ядросидан ҳам шарт маъносини марказий планда ифодаловчи тил воситалари жой олади. Бунда морфологик сатҳда шарт майли ва шарт боғловчилари, синтактик сатҳда шарт эргаш гапли қўшма гаплар алоҳида ўрин тутди. Майдон перифериясидан эса шарт маъносини чегара сема сифатида кўрсатувчи бирликлар ўрин эгаллайди. Бу бирликлар ўз навбатида бошқа семантик майдонларнинг марказий қисмидан жой олган бўлиши ва шарт муносабатини қўшимча маъно сифатида кўрсатиши мумкин.

Тўсиқсизлик категорияси ҳам тилшуносликда муҳим ўрин эгаллайди. Тўсиқсизликни билдирувчи гапларни баъзи тадқиқотчилар сабаб эргаш гаплар қаторига қўшсалар (Н.И.Греч, Н.И.Гончаренко, Р.М.Гречишникова, А.П.Журавлев, А.П.Макаръева, А.Б.Шапиро ва б.), бошқалари шарт эргаш гапларнинг кўринишлари, деб ҳисоблайдилар (Л.А.Булаховский, А.Н.Гвоздев, Б.В.Лавров, Р.П.Рогожникова ва б.), учинчи гуруҳ тадқиқотчилар эса тўсиқсиз ва зид муносабатли гапларнинг ўхшашлигини

<sup>8</sup> Азизова А.Г. Условный период в современном узбекском литературном языке: Автореф.дисс... канд. филол. наук. – Л., 1952; Азизова А. Ўзбек тилида шарт ва тўсиқсиз эргаш гаплар. – Тошкент, 1955; Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. – Тошкент, 1960; Асқарова М. А. Способы подчинения и типы придаточных в узбекском языке: Автореф. дисс... докт.филол.наук. – Тошкент, 1963; Цалкаламанидзе А.А. Система значений и функционирование глагола «бул» в современном узбекском литературном языке: Автореф.дисс...канд.филол.наук. – Тошкент,1973; Мамажонов А. Стилистические особенности сложных предложений современного узбекского литературного языка: Автореф. дисс... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1991; Розиқова Г. Ўзбек тилида синтактик полисемия: Филол. фанлари номзоди... дисс.автореф. – Тошкент, 1999. –24. Б.

<sup>9</sup> Умарова Н. Навоий ғазаллари мактасида сабаб ва оқибат муносабатининг мазмуний ҳамда конструктив шакллари. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б. 96.

таъкидлайдилар (А.А.Васильева, М.С.Гуричева, Л.И.Илия, Н.С.Поспелов, Т.Г.Печенкина ва б.).

Тўсиқсизлик муносабатининг ўзига хос хусусиятларига алоқадор ишлар сирасига Г.Берзина, Н.Булах, С.Рубцова, Н.Черникова каби олимларнинг тадқиқот ишларини киритиш мумкин<sup>10</sup>.

Ўзбек тилшунослигида тўсиқсизлик муносабатини ифодаловчи бирликлар майдон асосида монографик тарзда ўрганилмаган. Бироқ шарт ва тўсиқсизлик боғловчилари, тўсиқсизлик ҳоли, тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гаплар, қўшма гаплар полисемияси ҳақида номзодлик ва докторлик диссертациялари мавжуд<sup>11</sup>.

М.Абдувалиев ўз мақоласида «структураси турлича бўлган синтактик бирликлар – тўсиқсиз бўлакли содда гаплар, зидловчи боғловчили боғланган қўшма гаплар, икки семантик жиҳатдан боғланган содда гаплар, аралаш типдаги қўшма гаплар ва боғловчисиз боғланган қўшма гаплар»<sup>12</sup>нинг тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гаплар билан синонимик муносабатини кўриб чиқади, биз эса тўсиқсизлик муносабатини кўрсатувчи морфологик ва синтактик бирликлар ҳамда уларнинг марказий ва чегара маънолари орасидаги муносабатлар ҳақида фикр юритамиз. Тўсиқсизлик функционал-семантик категория сифатида кенг семантик вариантликни ўз ичига олади, шу билан бирга, турли кўринишдаги мураккаб шартланиш муносабати асосига қурилади.

Тўсиқсизлик шарт маъноси билан ҳам узвий боғланишда бўлади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, тўсиқсизлик муносабатини ифодаловчи тил бирликлари замирида, албатта, шарт маъноси мавжуд. Демак, тўсиқсизлик бирор ҳаракат ёки ҳолатга тўсиқ бўла олмаган нисбий шарт воситасида ҳосил бўлади. Бу тўсиқсизлик майдонида шарт белгисининг ўрни доминант даражада эканини кўрсатади. Таъкидлаш зарурки, тўсиқсизлик маъноси ҳам, шарт маъноси ҳам асосан *-са* шарт майли қўшимчаси ёрдамида ифодаланади. Тўсиқсизлик муносабатида *-са* қўшимчаси ҳам (*-да*) юкламалари билан бирга қўлланса-да, мазмунида кучсиз, яширин шарт сақланиб қолади. Шунингдек, тўсиқсизлик маъноси микдор, пайт, ўрин, зидлик, натижа, изоҳлаш, қиёслаш, шахс, ҳаракат каби маънолар билан узвий боғланади.

---

<sup>10</sup>Берзина Г.П. Категория concessivности в языке и речи (на материале немецкого языка): монография, Новосибирск: Изд.НГПУ, 2012. – 282 с; Булах Н.В. Уступительные сложноподчиненные предложения в современном немецком языке: Автореф. дис...канд.филол.наук. – СПб., 1996. – 16 с; Рубцова С.Ю. Семантико-синтаксическое поле concessivности в современном нидерландском языке: Автореф. дис. ...канд.филол.наук. – Л: ЛГУ, 1985. – 17 с; Черникова Н.С. Сложноподчиненные предложения, выражающие уступительные отношения: Автореф.дис... канд.филол.наук. – Воронеж, 2007. – 22 с.

<sup>11</sup> Азизова А. Ўзбек тилида шарт ва тўсиқсиз эргаш гаплар. – Тошкент, 1955; Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. – Тошкент, 1960; Убаева Ф. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳол категорияси. – Тошкент, 1972. Абдувалиев М. Тўсиқсизлик майдони ва уни ташкил этувчи бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1988, №4. – Б. 62-66; Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. – Тошкент: Фан, 1990. – Б.110; Розикова Г. Ўзбек тилида синтактик полисемия: Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – Б.24.

<sup>12</sup> Абдувалиев М. Тўсиқсизлик майдони ва уни ташкил этувчи бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1988, №4. – Б. 66.

Диссертациянинг «**Шарт майдони семантикаси**» деб номланган иккинчи боби морфологик ва синтактик сатҳда шарт муносабатининг ифодаланишига бағишланган.

Шарт муносабатини ифодаловчи бирликлар иккита ўзаро боғланган ҳаракат-ҳолат ҳақидаги маълумотни қанчалик акс эттирса, бу ҳаракат-ҳолатнинг бир-бирига тобелигини, шунингдек, шартдан келиб чиқадиган (бажариладиган ёки бажарилмайдиган) натижани ҳам шунчалик ифодалайди. Бундай бирликлар шуниси билан аҳамиятлики, уларнинг иккала компонентда ҳам ўзаро бир-бирига таъсир қилиб, бир модал маънони юзага келтирувчи майл ишлатилади<sup>13</sup>.

Шарт муносабатини ифодаловчи бирликлар аниқ ҳаракатни амалга оширмайди. Бундай бирликларда, албатта, иккита танлов бўлади: Агар А бўлса (ёки бўлмаса), В бўлади (ёки бўлмайди) каби. Бу ҳаракатнинг юзага келиши айтилаётган шартнинг бажарилиши ёки бажарилмаслиги билан боғланади. Мазкур бирликлар, кўпинча, ўтган замон билан бошланиб, келаси замон билан яқунланади.

Шарт муносабати морфологик сатҳда феъл, боғловчи, юклама ва модал сўзлар доирасида учрайди. Ҳаракат, ҳолатнинг номини билдирувчи феъл сўз туркуми доирасидаги шарт муносабати асосан шарт майли, буйруқ-истак майли, *бўлмоқ* феълнинг бўлишсиз шакли, кўмакчи феъллар, ҳаракат номи, сифатдош орқали кўринади.

Етакчи феълга кўшилиб, такрорийлик, давомлилик, бошланиш, бажарилиш, тўсиқсизлик каби турли маъно муносабатларини ифодаловчи феълнинг аналитик шакллари ҳам шарт майдонидан ўзига хос ўрин эгаллайди, *тур* кўмакчи феъли –*и(б)* аффиксли равишдошнинг бўлишсиз шаклида қўлланганда, ҳаракатнинг бажарилишидаги шарт маъносини билдиради ва *билмай туриб*, *кўрмай туриб*, *бўлмай туриб* шаклларида ифодаланади.

*Қалбда муҳаббат бўлмай туриб, бирга кечган умридан рози бўлмай туриб, бундай сатрларни битиб бўладими?! (С.Аҳмад. «Йўқотганларим ва топганларим»)*

Берилган гап мазмунан шарт муносабатини ифодаловчи гапдир. Шарт маъноси *бўлмай туриб* бирикмаси орқали ифодаланган. Бу бирикма *бўлмаса* шаклида ўзгартирилса, гап мазмунидаги шарт қатъийлашади: *Қалбда муҳаббат бўлмаса, бирга кечган умридан рози бўлмаса, бундай сатрларни битиб бўлмайди!*

Боғловчи сўз туркумида шарт муносабати, асосан, шарт ва тўсиқсизлик боғловчилари орқали кўринади. «Шарт боғловчилари *агар*, *агарда*, *башарти*, *мабодо*, *гарчи* шарт ва тўсиқсиз эргаш гапларнинг бош гапга бўлган муносабатидаги шартни, шу билан бирга, тўсиқсизлик маъноларини англатади. Шарт боғловчилари вазифасида *борди-ю* сўзи ҳам қўлланади»<sup>14</sup>.

<sup>13</sup> Гулыга Е.В., Шендельс Е.И. Грамматико-лексические поля. –Москва: 1969.– С.83.

<sup>14</sup> Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б.431-432.

3.Исақовнинг фикрича, *агар, мабодо, башарти* сўзлари юкламалар сирасига киради ва уларни «шарт юкламалари» номи остида изоҳлаш мумкин<sup>15</sup>.

Шарт майли ва шарт боғловчилари шарт майдонининг ядросини, қолган сўз туркумлари эса перифериясини ташкил этади. Бу, албатта, шартли равишда. Чунки кейинги айтилган сўз туркумлари орасида ҳам шарт маъносини марказий сема сифатида ифода этувчилари бор. Шу билан бирга, шарт майдони темпораллик (пайт), локаллик (ўрин), персоналлик (шахс) майдонлари билан ҳам ўзаро муносабатга киришади. Тўпланган ва таҳлил этилган мисоллар шуни кўрсатадики, баъзи гапларда шарт маъноси ядровий маъно сифатида кўрилиб, периферик маъно сифатида юқорида келтирилган пайт, ўрин, шахс ёки бошқа муносабатлар кўзга ташланади. Ёки аксинча, шарт муносабати ёрдамчи маъно вазифасида келган мисоллар ҳам кўплаб учрайди.

Н.И.Филичеванинг фикрича, синтактик майдон деганда объектив реалликдаги муносабатларнинг умумий тарзда ифодаланиши ҳамда синтактик маънолари яқинлигига асосланиб тузилган синтактик моделлар гуруҳи тушунилади<sup>16</sup>. Демак, синтактик шарт майдони объектив реалликдаги шарт мазмунига асосланган муносабатларнинг турли хил воситалар билан ифодаланган грамматик бирликлар йиғиндиси.

Синтактик сатҳдаги шарт мазмуни эргаш гапли қўшма гапларда, боғловчисиз ва боғланган қўшма гапларда, суперсинтактик бутунликларда кўринади. Бунда шарт марказий маънони ифодалаши ёки шарт майдонининг чегара белгисига эга бўлиши мумкин.

Қўшма гапларда *–са* қўшимчасининг қўшма гап таркибидаги ўрни ҳақида айрим фикрлар билдирилган. «*–са* унсурининг қўшма гап таркибида шарт мазмунини ифодалаши бир хил эмас. *–са* шакли баъзи гапда шарт мазмуни кучли бўлса, баъзиларида кучсиз бўлади. Шарт эргаш гапли қўшма гапларда шарт маъноси ўта кучли бўлади»<sup>17</sup>.

«Шарт эргаш гапли қўшма гапларда ифодаланган воқеалар мантиқан ўзаро шарт муносабатига киришади. Бу муносабат шаклан икки нисбий гап – бош ва эргаш гаплар ўртасида бўлар экан, эргаш гапдаги шарт-воқеа муайян узв сифатида бош гапдаги воқеа ичига киради»<sup>18</sup>.

*Борди-ю аждодида бўлса, тўққизга тўлганда Тарлон бўлади.* (Т.Мурод. «От кишнаган оқшом») Бунда шарт майдони темпораллик майдони билан боғланиши натижасида полисемия вужудга келган.

Боғловчисиз ва боғланган қўшма гапларда ҳам шарт муносабати ифодаланади. Бундай гапларда шарт маъноси пайт, сабаб, қиёслаш, натижа каби маънолар билан мутаносибликда келади: *Сиз ёзганингизни редакцияга*

<sup>15</sup>Исақов З. Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро муносабати ва унда юкламаларнинг ўрни: Филол.фанлари.номзоди...дисс.автореф. – Фарғона, 2005.– Б.14.

<sup>16</sup> Филичева Н. И. Синтаксические поля. – М: Высшая школа. 1977. – С.15.

<sup>17</sup>Sayfullaeva R.R., Mengliyev B.R., Boqiyeva G.H., Qurbonova M.M., Yunusova Z.Q., Abuzalova M.Q. Hozirgi o'zbek adabiy tili. – Toshkent: Fan va texnologiya.2010. – B.390.

<sup>18</sup> Махмудов Н, Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.– Б. 211.

*ташлаб кетасизу, бир кун газетада кўрасиз.* (С.Аҳмад. «Йўқотганларим ва топганларим»)

Бирдан ортиқ гаплардан тузилган суперсинтактик бутунликлар ҳам шарт муносабатини ифодалашига кўра шарт майдонидан ўрин эгаллайди ва шарт-тўсиқсизлик, пайт-шарт, сабаб-натижа, қиёслаш-зидлаш каби мазмуний муносабатларни юзага чиқаради.

*Газетада ишланг. Мухбир бўлиб бутун республикани кезасиз. Хилма-хил одамларни кўрасиз. Ана ўшанда ҳикояларингизга ранг киради.* (С.Аҳмад. «Йўқотганларим ва топганларим») Берилган матндаги тўртта содда гап ўзаро шарт муносабати асосида бирлашган.

Диссертациянинг «**Тўсиқсизлик майдони семантикаси**» деб номланган учинчи бобида мустақил ва ёрдамчи сўзлар, содда гаплар, эргаш гапли қўшма гаплар, боғловчисиз ва боғланган қўшма гаплар ҳамда суперсинтактик бутунликларда тўсиқсизлик маъносининг ифодаланиши тадқиқ этилган.

Кейинги йилларда тўсиқсизликнинг муайян мазмуний хусусиятлари борасида турлича фикрлар юзага келди. Бироқ тўсиқсизлик категорияси бирликлари учун ягона бўлган мазмуний инвариант ажратилиши зарур, бу бирликларнинг семантик ифодаси учун ягона метод эътиборга олиниши керак. У умумий инвариант ҳамда мазмуннинг қўшимча узви саналган мазмуний кенгайтирувчилар воситасида асосланади. Бундай воситаларнинг ривожланишига хос бўлган муҳим йўналишларни аниқлаш катта аҳамиятга эга. Ана шунга кўра, тўсиқсизлик категорияси доирасида инвариантдан бошқа тўсиқсизлик маъносини ҳосил қилувчи маъно компонентларини, яъни мазмуний кенгайтирувчиларни ҳам ҳисобга олиш зарур<sup>19</sup>.

Морфологик сатҳда тўсиқсизлик маъноси бир неча сўз туркуми доирасида кузатилади. Ёрдамчи сўз туркумларида тўсиқсизлик муносабати яққолроқ кўзга ташланади. Жумладан, *қарамасдан, қарамай* кўмакчилари, *гарчи, мабодо, башарти, агар, агарда, -ки* эргаштирувчи боғловчилари, *аммо, лекин, бироқ* зидлов боғловчилари, *ҳам, -да, -ми, -у(-ю)* юкламалари мазкур маънони очиб беришга хизмат қилади ва тўсиқсизликни билдириб, шу маъно остида бир майдонга бирлашади.

Тўсиқсизлик маъноси феъл парадигмасига кирувчи баъзи кўмакчи феълларда ҳам кўринади ва бу белгиси билан улар тўсиқсизлик майдонига киради. Айниқса, *тур* кўмакчи феъли *-и(б)* аффиксли равишдош шаклида *бил, кўр, бўл* каби феъллар билан шахс-сон билан тусланмаган ҳолда қўлланса, тўсиқсизлик муносабати юзага келади ва улар ўртасида мазмуний мутаносиблик юзага чиқади:

*била туриб - билса ҳам*

*кўра туриб – кўрса ҳам*

*бўла туриб - бўлса ҳам*

Шунингдек, муайян ҳаракатга зидлик муносабати ҳам кузатилади: *Икки дипломли бўла туриб, ишсиз, саргардон бўлиб юрди.* (С.Аҳмад. «Йўқотганларим ва топганларим»)

<sup>19</sup> Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 130-131.

-у(-ю), -ми юкламалари ўзи билдирган, марказий семаларидан ташқари «тўсиқсизлик» чегара семасини ҳам ифодалайди. Жумладан, -ми юкламасининг марказий семаси «сўроқ» ва «таажжуб» бўлса, чегара семаси «тўсиқсизлик»дир. Масалан:

*Эртами, кечми барибир ишонасан.* (Р.Жабборов. «Виждон»)

Бу гапда –ми юкламаси ёрдамида тўсиқсизлик муносабати ифода этиляпти, яъни биринчи шахс «ишониш» ҳаракатининг бажарилишига вақтнинг эрта ёки кечлиги тўсиқ бўлолмаяпти. Мазкур гап темпораллик ва тўсиқсизлик майдонларининг бир-бирига боғланишини кўрсатади.


Қўшма гапларда тўсиқсизлик маъноси билан фарқланувчи турли типдаги қатор бирликлар мавжуд. Бош гапдаги воқеанинг юзага келишига эргаш гапдаги воқеа тўсиқ бўла олмаслигини билдирувчи тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гаплар тўсиқсизликни билдирувчи етакчи омил (маъно) ҳисобланади. Бундай гаплар бир неча воситалар ёрдамида тўсиқсизликни юзага чиқаришга хизмат қилади. Тўсиқсиз эргаш гаплар билан бош гапларни ўзаро боғлаш функциясини бажарувчи бу воситалар қўшма гап таркибидаги содда гаплар ўртасида тўсиқсизлик муносабатининг юзага чиқишини таъминлайди.

*Ёшим саксондан ўтганига қарамай, кундалик газеталарни ўқиб бориш, соатлаб китоб мутолаа қилиш – менинг энг сеvimли машғулотим.* (Б.Мадиёров, М.Мирзаев. «Бир оила қиссаси»)

Берилган гап мазмунидан зидлик ва тўсиқсизлик муносабати англашилади. Бош гапдаги ҳаракат-ҳолатнинг юзага чиқишига (кундалик газеталарни ўқиб бориш, соатлаб китоб мутолаа қилиш) эргаш гапдаги воқеа-ҳодиса (биринчи шахс ёшининг катталиги) тўсиқ бўлолмайди. Қўшма гап қисмлари бир-бири билан жўналиш келишиги кўшимчаси ва *қарамай* кўмакчиси ёрдамида боғланган. Гапдаги тўсиқсизлик муносабатини юзага чиқарувчи асосий восита ҳам айнан шу бирлик ҳисобланади.

*У қанчалик куйиб-пишиб меҳнат қилмасин, топгани фақат бир кунлик тирикчиликка етар экан, холос.* (Б.Мадиёров, М.Мирзаев. «Бир оила қиссаси»)

Берилган гапда тўсиқсизлик, шарт, миқдор, натижа каби мазмуний муносабатлар кўринади. Бундай алоқадорликни чизмада шундай кўрсатиш мумкин:



Боғланган қўшма гапларда боғловчилар билан бирга юкламалар ҳам алоҳида ўрин тутаяди. Юкламалар, айниқса, боғловчилар билан бирга келганда гапда изоҳланаётган мазмунни кучайтириш вазифасини бажаради. Ушбу гапдаги –ю юкламаси боғланган қўшма гап қисмлари орасидаги тўсиқсизлик муносабатини кучайтириш учун хизмат қиляпти:

*Мударриснинг газаби келди-ю, аммо тахт ворисига қаттиқ гапиришдан қўрқди.* (П.Қодиров. «Юлдузли тунлар»)

Бу қўшма гапнинг иккинчи қисми (*тахт ворисига қаттиқ гапиришдан қўрқди*) маълум мақсаднинг (мударриснинг газаби келиши ва қаттиқ сўзлар айтиши) юзага чиқиши учун зид бўлган объектив тўсикни ифодалайди. Бу фикр боғланган қўшма гап тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапга айлантирилганда ойдинлашади: *Мударриснинг газаби келса ҳам, тахт ворисига қаттиқ гапиришдан қўрқди.* Демак, бу гапда зидлик ва тўсиқсизлик муносабатлари боғлиқлиги кузатилади.

Суперсинтактик бутунликларда ҳам тўсиқсизлик муносабати ўзига хос тарзда ифодаланади.

*Ёқуббекнинг энг нуфузли ва қайсар мўгул бекларидан эканлигини ҳамма биларди. Фақат унинг бундан бир неча соат олдин Бобурга қарши фитна уюштириб юргани ўтирганлар учун сир эди.* (П.Қодиров. «Юлдузли тунлар»)

Бу суперсинтактик бутунлик таркибидаги гаплар трансформация қилинганда, матндаги тўсиқсизлик муносабати янада ойдинлашади: *Ёқуббекнинг энг нуфузли ва қайсар мўгул бекларидан эканлигини ҳамма билса ҳам (-са-да), унинг бундан бир неча соат олдин Бобурга қарши фитна уюштириб юргани ўтирганлар учун сир эди.* Матнда чегара сема сифатида зидлик муносабати ҳам кўринади. ССБ таркибидаги гаплар зидлов боғловчиларидан бири ёрдамида бириктирилса, зидлик функционал-семантик майдон ядросини ташкил этади.

## ХУЛОСА

1. Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида шу кунга қадар шахс, ўсимлик, ҳурмат, локаллик, даража сингари микромайдонлар тадқиқот объекти бўлган. Ўзбек тили макросистемасини яхлит ўрганишда шарт ва тўсиқсизлик функционал-семантик майдонларини монографик тадқиқ этишнинг аҳамияти катта.

2.Объектив реалликдаги шарт мазмунига асосланган муносабатларнинг турли воситалар билан ифодаланган бирликлар йиғиндиси шарт майдони ҳисобланади. Шарт майдонидан жой олувчи аксар тил бирликлари шарт маъносини ифодалаши билан бирга тўсиқсизликни ҳам кўрсатади. Шунга кўра, шарт ва тўсиқсизлик микромайдони бирликларини узвий алоқадорликда ўрганиш муҳим.

3. Шарт майдонининг ядросидан асосан шарт маъносини ифодаловчи тил воситалари жой олади. Шарт майдонини морфологик сатҳда шарт майли ва шарт боғловчилари, синтактик сатҳда шарт эргаш гапли қўшма гаплар ташкил этади. Майдон перифериясидан эса шарт маъносини чегара сема сифатида кўрсатувчи бирликлар ўрин эгаллайди.

4. Шарт майдонидан жой олувчи тил бирликларининг аксарияти шарт маъноси билан бирга тўсиқсизликни ҳам ифодалайди. Шарт майдони бирликлари бир вақтнинг ўзида тўсиқсизлик маъносини билдиришига кўра тўсиқсизлик майдонидан ҳам ўрин эгаллайди.

5. Объектив реалликдаги қисман шарт маъносини ўзида сақлаб, тўсиқсизлик мазмунига асосланган муносабатларни турли хил воситалар ёрдамида ифодалаган бирликлар мажмуи тўсиқсизлик майдони саналади.

6. Тўсиқсизлик шарт маъноси билан узвий боғланишда бўлади. Тўсиқсизликни ифодаловчи тил бирликлари таркибида шарт муносабати муҳим ўрин тутди. Тўсиқсизлик муносабати бирор ҳаракат ёки ҳолатга тўсиқ бўла олмаган нисбий шарт воситасида ҳосил бўлади. Тўсиқсизлик майдонида шарт маъноси, албатта, мавжуд бўлади. Бироқ шарт майдонида тўсиқсизлик ҳар доим ҳам ифодаланавермайди.

7. Тўсиқсизлик майдони турли тил воситаларининг мазкур маънони ифодалаши асосида ҳосил бўлади. Майдон элементлари морфологик сатҳда феъл ва унинг вазифадош шакллари, боғловчи, кўмакчи, юклама асосида, синтактик сатҳда уларнинг гапдаги позицияси орқали шаклланади.

8. Тўсиқсизлик майдонининг ядросини морфологик ва синтактик бирликлар ташкил этади. Улар муайян вазиятдан келиб чиқиб, тўсиқсизлик маъносини ифодалаши билан характерланади. Мазкур маъно бошқа маъно муносабатларига нисбатан кучсизроқ ифодаланган ҳолатларда тўсиқсизлик майдон перифериясидан жой олади.

9. Шарт ва тўсиқсизлик майдонларининг ташкил этувчилари шарт ва «тўсиқсизлик» архисемаси билан бирлашса-да, «пайт», «зидлик», «миқдор», «ўрин», «изоҳлаш», «қиёслаш», «ҳаракат», «натижа» каби ҳамроҳ семаларга ҳам эга бўлади.

10. Шарт ва тўсиқсизлик маъносини бошқа маъно муносабатлариларга нисбатан кучлироқ ва аниқроқ ифодалаган морфологик ва синтактик бирликлар шарт ва тўсиқсизлик майдонининг маркази, кучсизроқ ифодалаган бирликлар бу майдоннинг чегара бирликлари сифатида намоён бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.27.06.2017.Fil.05.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**РАСУЛОВА АЗИЗАХОН МУЙДИНОВНА**

**ПОЛЕ УСЛОВИЯ И УСТУПИТЕЛЬНОСТИ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА**

**10.00.01 – Узбекский язык**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Фергана – 2018 год**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/Fil124.**

Диссертация выполнена на кафедре узбекского языкознания Ферганского государственного университета.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский и русский) размещен на веб-странице Ферганского государственного университета по адресу: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz) и в Информационно-образовательном портале «Ziynet» [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Научный руководитель**

**Искандарова Шарифа Мадалиевна**  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Набиева Дилора Абдухамидовна**  
доктор филологических наук

**Курбанова Мухаббат Матякубовна**  
доктор филологических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Наманганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.27.06.2017.Fil.05.02 при Ферганском государственном университете по адресу: 100151, г. Фергана, улица Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: 99873) 244-44-01; e-mail: [info@fdu.uz](mailto:info@fdu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (зарегистрирована под №\_\_\_\_) Адрес: 100151, г. Фергана, улица Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244-71-28

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(протокол рассылки №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года)

**М.Х.Хакимов**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол.наук, профессор

**М.Т.Зокиров**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, кандидат филол.наук, доцент

**Ш.М.Искандарова**

Председатель научного семинара при ученом совете по присуждению ученых степеней, доктор филол.наук, профессор.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** Наряду с направлениями основанными на ономаσιологическом подходе к единицам языка, определение языка как сложной системы, состоящей из конкретных целостностей языка, анализ всех уровней единиц через отношения формы и содержания, языка и речи является одним из важных вопросов мировой лингвистики. Толкование средств, объединенных под архисемой условия и уступительности в одну семантическую группу в качестве членов функционально-семантического поля, также создает хорошую возможность для совершенного освещения онтологической природы языка.

Начиная со второй половины XX века в мировом языкознании наряду с формальными особенностями внимание исследователей стали привлекать и внутренние содержательные особенности лингвистических единиц. В лингвистике есть исследования, которые связаны с анализом выразительных конструкций условия и уступительности. В частности, в качестве важной проблемы был обозначен вопрос о том, посредством каких языковых средств выражается значение условия и уступительности, а также дано начало их глубокому ономаσιологическому изучению. В связи с этим большое значение приобретает неразрывное исследование функционально-семантических полей условия и уступительности при их одновременном изучении.

Язык является зеркалом духовности, орудием мышления. В процессе осуществления реформ в общественно-политической, культурно-просветительской сферах на узбекское языкознание возлагается ряд новых задач. «Сегодня мы переходим на путь инновационного развития, направленного на коренное улучшение всех сфер жизни государства и общества. И это закономерно. Ведь кто выигрывает в нынешнем стремительно развивающемся мире? Только то государство, которое опирается на новую мысль, новую идею, инновации»<sup>1</sup>. В результате развития общества происходит совершенствование языка, и проблема обогащения узбекского языкознания новыми методами исследования приобретает всё большую актуальность. Особое значение придается изучению единиц верхней плоскости языка на основе принципа «от содержания – к форме» путем усиления внимания к содержательной стороне языковых единиц. К этим задачам относится также изучение в неразрывной связи поля отношений условия и уступительности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, вытекающих из Указов Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, № УП-4958 «О дальнейшем совершенствовании послевузовского образования» от 16 февраля 2017 года, Постановления Президента Республики Узбекистан № ПП-2909 «О мерах по

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халк сўзи. – Тошкент, 2017, 23 декабрь, №258.

дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан №ПКМ-304 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы послевузовского образования» от 22 мая 2017 года, а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

**Связь исследования с приоритетными направлениями развития в республике науки и технологий.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики: I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информатизированного общества и демократического государства и пути их реализации».

**Степень изученности проблемы.** Первые исследования на основе теории поля в мировой лингвистике связаны с учением В. фон Гумбольдта о «внутренней форме языка<sup>2</sup>». В последующем данная теория была развита такими лингвистами, как Ф.де Соссюр, М.Покровский, И.Трир, Г.Ипсен, В.Порциг, Л.Вайсгербер, А.Йоллес, А.А.Уфимцева, Н.И.Филичева, Ю.Н.Караулов, Г.С.Щур, А.В.Бондарко и другими.

В узбекском языкознании исследования в данном направлении проводили Т.Мирзакулов, М.Абдувалиев, Ш.Искандарова, А.Собиров, С.Мухамедова, Н.Нишонова, М.Хакимова, Д.Ваккосова, Х.Хожиева, Ф.Сафаров, Б.Курбонова, М.Эргашова, Л.Элмурадова и другие языковеды<sup>3</sup>.

Хотя в типологическом плане вопрос уступительности и был объектом исследования в статусе кандидатской диссертации<sup>4</sup>, однако единицы, составляющие поле условия и уступительности в современном узбекском языке не служили объектом органического монографического исследования.

---

<sup>2</sup> Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. – М., 1984

